

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**443 Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни ҳамда Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш ва уларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 26 июндаги 170-сон қарорига мувофиқ, шунингдек давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, замонавий шароитларда раҳбарлик қилишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш ва уларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган Санитария қонунларини бузганлик учун жазо жарималаридан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 август,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари
tizimining раҳбар кадрларини аттестациядан
ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 26 июндаги 170-сон қарорига мувофиқ Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари (кейинги ўринларда бош врачлар деб аталади) давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини малакали, замонавий фикрлайдиган, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, етарли даражада бошқарув кўникмасига ва тажрибага эга бўлган кадрлар билан таъминлаш мақсадида аттестациядан ўтказилади.

3. Бош врачлар аттестацияси ҳар уч йилда бир марта ўтказилади.

II. Республика комиссиясининг фаолияти

4. Республика комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

5. Республика комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

6. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

бош врачларни, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимларига

касбий тайёргарлиги даражаси ва малакаси бўйича мувофиқлигини баҳолаш юзасидан уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиш;

санитария-эпидемиология назорати хизматларининг кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича таклифлар киритиш;

санитария-эпидемиология назорати хизматлари бош врачлари малакасини доимий равишда ошириб бориш ва уларнинг касбий даражасини ўстириш тизимини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Республика комиссиясини раис бошқаради. Раис бўлмаган тақдирда Республика комиссиясини унинг ўринбосари бошқаради.

8. Аттестациядан ўтказиш жойи ва муддати, аттестациядан ўтказилади-ганларнинг рўйхат бўйича таркиби ҳамда аттестацияни ўтказишнинг бошқа ташкилий масалалари Республика комиссияси томонидан белгиланади.

9. Республика комиссияси аъзолари Республика комиссияси мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашадилар, зарурат бўлганда, аттестациядан ўтказиладиганнинг фаолиятига тааллуқли қўшимча материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, аттестация варақасини ва аттестация протоколини имзолайдилар.

10. Комиссия мажлислари Республика комиссияси томонидан тасдиқланган жадвал бўйича ўтказилади.

III. Аттестациядан ўтиши керак бўлган шахслар ва аттестацияни ўтказиш муддатлари

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ҳамда шаҳарларнинг давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари бош врачлари аттестациядан ўтишлари керак.

12. Қуйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

тегишли лавозимда бир йилдан кам ишлаган шахслар;

хомиладор, шунингдек чақалоқни парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар.

Кўрсатиб ўтилган аёлларни аттестациядан ўтказишга улар ишга чиққанидан кейин орадан камида бир йил ўтгач йўл қўйилади.

IV. Аттестация талаблари

13. Аттестация талаблари қуйидагиларни ҳолисона баҳолашни ўз ичига олади:

қонунчилик, маънавият ва маърифат масалалари бўйича билимлар;

бош врачларнинг касбий фазилатлари ҳамда тегишли ҳудудда соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология ҳолатининг мақбул даражада бўлиши соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш яқунлари бўйича улар фаолиятининг яқуний натижалари;

лавозим вазифаларига мувофиқ бош врачлар фаолиятининг аниқ натижалари;

санитария-эпидемиологиянинг мақбул бўлиши соҳасидаги қонунчиликка риоя этиш даражаси ва сифатига қўйиладиган талабларнинг таъминланиши; кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан иш олиб бориш сифати;

моддий ресурсларни бошқариш самарадорлиги;

илғор ахборот-технологияларини, замонавий илмий ютуқларни давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизими фаолиятига жорий этиш.

V. Аттестацияни ўтказиш тартиби

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

аттестация ўтказилишидан ўн кун олдин Республика комиссияси билан келишган ҳолда аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги тегишли буйруқни чиқаради, унда аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркиби, аттестацияни ўтказиш жойи ва муддати белгиланади;

аттестациядан ўтказиладиганларни аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, шунингдек Республика комиссияси томонидан тасдиқланган аттестация талаблари рўйхати (шу жумладан саволномалар) билан имзо қўйдирган ҳолда таништиради.

15. Республика комиссиясига аттестациядан ўтказиладиганларнинг ҳар бири учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) маълумотнома;

б) маълумоти, малака тоифаси, илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

в) малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар (сертификатлар) нусхалари;

г) ўтган уч йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисобот;

д) қуйидагилар учун ишлаб чиқариш тавсифномаси:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари учун — Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачидан;

туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари учун — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачларидан;

е) ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича аттестация варақаси.

16. Аттестациядан ўтказилаётганларнинг ҳар бири учун расмийлаштириладиган аттестация варақасида қуйидагилар акс эттирилади:

аттестациядан ўтказилаётган тўғрисидаги маълумотлар;

аттестациядан ўтказилаётганга бериладиган саволлар ва унинг жавоблари;

аттестациядан ўтказилаётганнинг эътирозлари ва таклифлари;

аттестациядан ўтказилаётганнинг фаолиятини баҳолаш;
овоз бериш натижалари;

Республика комиссиясининг тавсиялари;

аттестация ўтказилган сана;

Республика комиссиясининг ўтказилган аттестация натижалари бўйича қарори.

Аттестация варақаси Республика комиссиясининг раиси, котиби ва унинг мажлисида қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

17. Республика комиссияси мажлиси аттестациядан ўтаётган ходимнинг иштирокида ўтказилади.

Узрли сабабга кўра аттестацияга келмаган шахслар Республика комиссиясининг кейинги мажлиси вақтида аттестациядан ўтказилади.

Узрсиз сабабга кўра аттестацияга келмаган шахслар огоҳлантирилади. Узрсиз сабабга кўра аттестацияга такроран келинмаган тақдирда Республика комиссияси аттестациядан ўтадиганнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

18. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология нazorати марказларининг бош врачларини аттестациядан ўтказиш учун саволнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

19. Аттестацияни холисона ўтказиш мақсадида Республика комиссияси: аттестациядан ўтаётган ходимга унинг лавозим вазифалари билан боғлиқ саволлар беради;

аттестациядан ўтаётган шахс томонидан тақдим этилган унинг хизмат фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотларни кўриб чиқади.

20. Республика комиссиясининг мажлиси унда аъзоларининг камида етти нафари қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

21. Аттестацияни ўтказиш вақтида аудио ва видеоёзувлар амалга оширилади.

VI. Аттестация натижалари

22. Бош врачнинг аттестация талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги қарор аттестациядан ўтаётганнинг иштирокисиз очиқ овоз бериш йўли билан, Республика комиссиясининг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Республика комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

23. Аттестация натижалари бўйича Республика комиссияси қуйидаги баҳолардан биттасини қабул қилади:

эгаллаб турган лавозимига мувофиқ;

Республика комиссияси тавсиялари бажарилганда орадан 6 ой ўтгандан кейин аттестациядан такроран ўтган ҳолда эгаллаб турган лавозимига мувофиқ;

эгаллаб турган лавозимига мувофиқ эмас.

24. Аттестация натижалари аттестациядан ўтказилаётганга Республика комиссияси мажлиси тугагандан кейин дарҳол эълон қилинади ва ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ протокол билан расмийлаштирилади.

25. Республика комиссиясининг протоколи асосида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари белгиланган тартибда ўн иш кунидан кечикмай тегишли буйруқ чиқаради.

26. Аттестациядан ўтолмаган бош врачлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддасининг 2-қисми асосида эгаллаб турган лавозимидан озод қилинадилар.

27. Республика комиссияси қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят билдирилиши мумкин.

Аттестация жараёнида ёки бош врачларни аттестациядан ўтказиш яқунлари бўйича пайдо бўладиган низолар қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати
органлари тизимининг раҳбар кадрларини
аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Аттестация варақаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____

2. Туғилган санаси _____

3. Маълумоти _____

(қачон? қандай олий таълим муассасасини (факультетни) тамомлаган?)

4. Мутахассислиги _____

(диплом бўйича мутахассислиги, ихтисоси)

5. Илмий даражаси, унвони _____

6. Малака оширганлиги: _____

7. Эгаллаб турган лавозими: _____

8. Умумий иш стажи _____, шу жумладан раҳбарлик лавозимидаги _____

9. Бошқа маълумотлар: _____

10. Аттестациядан ўтказилаётганга саволлар ва унинг жавоблари: _____

11. Аттестациядан ўтказилаётганнинг эътирозлари ва таклифлари: _____

12. Аттестациядан ўтказилаётганнинг фаолиятини баҳолаш: _____

13. Овоз бериш натижалари: розилар _____ қаршилар _____ бетарафлар _____

14. Комиссиянинг тавсиялари: _____

15. Аттестация ўтказилган сана: _____

16. Ўтказилган аттестация натижалари бўйича қарор: _____

Комиссия раиси _____

Комиссия раисининг ўринбосари _____

Комиссия котиби _____

Комиссия аъзолари _____

Аттестация варақаси билан танишдим: _____

(сана, аттестациядан ўтказилаётганнинг имзоси)

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Республика комиссияси мажлисининг _____ -сон ПРОТОКОЛИ

Тошкент шаҳри

20__ йил «__» _____

Комиссия раиси	Ф.И.О.
Комиссия раисининг ўринбосари	Ф.И.О.
Комиссия котиби	Ф.И.О.
Комиссия аъзолари	Ф.И.О.

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

20__ йил «__» _____ даги мажлис яқунлари бўйича комиссия **қарор қилади:**

Т/р	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи	Лавозими	Республика комиссиясининг қарори
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

Комиссия раиси _____

Комиссия котиби _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари
тизимининг раҳбар кадрларини танлаш ва уларни ротация
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 26 июндаги 170-сон қарорига мувофиқ Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари раҳбар кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош врачларини (кейинги ўринларда бош врачлар деб аталади) танлаш ва ротация қилиш тартибини белгилайди.

2. Бош врачларни танлаш ва ротация қилишдан мақсад давлат санитария-эпидемиология хизмати органларини энг малакали, юқори касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини биладиган, етарли бошқарув кўникмалари ва тажрибасига эга бўлган, замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдириш ҳисобланади.

II. Номзодларни танлаш

3. Бош врачлар лавозимига номзодларни танлаш давлат санитария-эпидемиология хизматининг етарли малака ва иш тажрибасига эга бўлган ходимлари сафидан амалга оширилади.

4. Бош врачлар лавозимига номзодларга қўйидаги талаблар қўйилади:
«санитария-гигиена» ёки «эпидемиология» мутахассислиги бўйича олий тиббий маълумоти;

давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимида камида беш йиллик иш стаж;

бош врач вазифаларини бажариш учун зарур бўлган юқори малака ва маънавий-ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги;

уларга юкланган вазифалар ва мажбуриятларни самарали бажаришни таъминлаш қобилияти.

5. Республика комиссиясининг кўриб чиқиши учун бош врачлар лавозимига номзодларни танлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6. Республика комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар бўйича ҳар бир номзод билан суҳбат ўтказади, уларнинг касбий билимлари даражасини ва бошқарув фаолияти тажрибасини ўрганади.

7. Номзодларнинг малакаси, касбий, маънавий-ахлоқий сифатларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида, зарур ҳолларда, Республика комиссияси тақдим этилган материаллар бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига сўровнома юбориши мумкин.

8. Ҳужжатларни кўриб чиқиш якунлари, шунингдек бош врач лавозимига номзодга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги бўйича Республика комиссияси номзодларни маъқуллаш ёки рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

III. Бош врачларни тайинлаш тартиби

9. Республика комиссияси ижобий қарор қабул қилган тақдирда тавсия этилган номзод беш кун мобайнида бош врач лавозимига тайинланади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан лавозимга тайинланади.

11. Республика шаҳарлари ва туманлари давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари билан келишув бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари томонидан лавозимга тайинланади.

12. Бош врачлар билан беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат шартномаси тузилади.

IV. Бош врачларни ротация қилиш тартиби

13. Бош врачлар эгаллаган лавозимида беш йиллик муддат муваффақиятли ишлар билан тугагандан кейин эгаллаб турган лавозимдан паст бўлмаган лавозимга янги иш жойига ротация қилинади. Ишда жиддий камчиликлар мавжуд бўлганда ушбу муддат анча қисқартирилиши мумкин.

14. Бош врачларни ротация қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фаолияти жараёнида аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатдан хотиржамлиги соҳасида тўпланган касбий билимлари ва илғор тажрибасини давлат санитария-эпидемиология назоратининг бошқа марказларида жорий этиш;

мутахассисларнинг ишлаш қобилиятини ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамоада соғлом иш шароитини таъминлаш;

лавозим мавқеини суиистеъмол қилиш ва ўз касбий вазифаларига со-
вуққонлик билан қараш каби салбий ҳолатларни бартараф этиш.

15. Бош врачларни бошқа иш жойига ротация қилиш меҳнат қонунчи-
лиги нормаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Санитария қонунларини бузганлик учун жазо
жарималаридан тушадиган маблағлардан фойдаланиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Низомнинг барча матни бўйича «Санитария-эпидемиология станция-
си», «санэпидстанция» ва «санитария-эпидемиология станциялари» сўзлари
«давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари билан ал-
маштирилсин.

2. Низомнинг барча матни бўйича «счёт» сўзи «ҳисоб варақаси» сўзла-
ри билан алмаштирилсин.

3. Тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан со-
линган жарималарни ундириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оши-
рилади».

4. Бешинчи ва олтинчи хатбошилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблан-
син.

5. Ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилин-
син:

«вакциналар, озуқа муҳити, бактерияли фаглар, иммуноглобулинлар,
диагностикумлар, зардоблар, дезинфекция воситалари, кимёвий реактивлар,
тиббий жиҳозлар ва техникалар, лаборатория идишлари, лабораториялар учун
асбоблар ва приборлар харид қилишга, приборлар ва асбобларни таъмир-
лашга, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва ёнилғи-мойлаш материал-
лари билан таъминлашга, эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилганда хиз-
мат сафари харажатларини тўлашга;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 июндаги 170-сон қарори билан
тасдиқланган Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари раҳбар
кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Рес-
публика комиссиясининг қарорига кўра, давлат санитария-эпидемиология
хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини янги иш жойига ўтқа-
зилганда уларни хизмат уй-жойлари билан таъминлашга ёки унинг ижара-
си учун компенсация тўловларига».

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Дайди хайвонларни тутиш билан шуғулланувчи ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» 1998 йил 21 августдаги 359-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 10-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомга 1-илованинг еттинчи хатбоши.